

ЖАМАЛІК СЎЗІ



1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

23 август, чоршанба 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 162 (1164)



ТОЛЕ ЮЛДУЗИНИНГ ҚУТЛУҒ ЗИЁСИ, БЕПОЁН ВАТАН БУ — ЎЗБЕКИСТОН БУ!

ТАБРИКНОМА

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ISLOM KARIMOV JANOBI OLIYLARIGA

Хурматли Президент,
Вашингтон университети Марказий Осиё
тиллари ва маданияти ёзи программаси про-
фессор ва талабалари Сизни, Сиз орқали
бутун ўзбек халқини Ўзбекистоннинг улғу
байрами — Муस्ताқиллик куні тўрт йиллиги
муносабати билан чин кўнейдан табрик эта-
дилар.

Биз бир ғуруҳ америкаликлар ўзбек тили
ва маданиятини зўр қизиқиш билан ўқи-
б ўргандик. Тарихингиз ва адабиётингиз ҳақи-
да тасаввурга эга бўлдик. Амир Темур, Мир-
зо Улугбек, Алишер Навоийдек буюк зоҳирлар
ўзбек ҳамда дунё тарихида қандай рол ўйна-
ганларини билиб олдик.

Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги шпак
эмас, пахта эмас, тилло эмас. Бу — Ўз-
бекистонинг халқи. Ўзбек халқи албатта буюк
давлат куради. Худо кун-кўват берсин!

Биз Тошкент билан биродарлашган кўр-
кам Сизга шахрида сабоқ олдик. Бу дўст-
ликка 1972 йилда асос солинган эди. Вашинг-
тон университетида 1947 йилдан бошлаб
Марказий Осиё маданияти ўрганилади. Чо-
рак асрдан бери ўзбек тили ва адабиёти
ўқитилади, бу анана яна ҳам ривожланим-
да. Ёзи сабоқлар сўнида ўзбек халқини
Ўзбекистоннинг Муस्ताқиллик куні билан
қутлаш анъанаса айланган. Фурсатдан
фойдаланиб, ўтган йили йўллаган табри-
кига жавоб берганингиз учун миннатдор-
лик билдирдим. Вақти келиб, Сизга меҳ-
мон бўласиз, деб ўхшай қиламиз.

Биз Сизларнинг дўстингиз бўлиш учун ў-

бек тилига меҳр кўйдик. Америка Қўшма
Штатлари ва Ўзбекистон Республикаси ўр-
тасида дўстлик, бир-бирини англаш, тушу-
ниш даражаси юксак бўлишини истаимиз.
Шунда биз тинчлик, дўстлик ва тараққиёт-
да ёрқинроқ келажакни бирга қуриб оламиз.
Улғу ўзбек халқига яхши кунлар йўлдош
бўлсин!

Илза СИРТАУТАС,
Вашингтон университети профессори,
программа раиси

Лора АДАМС,
Берклидаги Калифорния
университети аспиранти

Рич ХАВКИНС,
Вашингтон университети
аспиранти, Сизга

Ховард АЙЗЕНСТАТ,
Лос-Анжелесдаги Калифорния
университети аспиранти

Кевли БАТЛАР,
Вашингтон университети
аспиранти, Сизга

Колби БЕЛЛ,
мактаб ўқитувчиси, Сизга шаҳри
Брент ПАТМАН,
Жоржтоун университети
аспиранти, Вашингтон Д. С.

Тубайс КАММЕР,
Вашингтон университети
талабаси, Сизга
Том ПАРКУРСТ,
Коламбус шаҳри, Охайо штати
Диана ПАРКУРСТ,
Коламбус шаҳри, Охайо штати.

1995 йил 15 август
Америка Қўшма Штатлари
Вашингтон штати Сизга шаҳри.



ШҮРТАН ГАЗИ КҮПАЙДИ

Мамлакатимизнинг энг бирик газ қонларидан Шўр-
танда қатор реконструкция ишлари амалга оширил-
ди, янгидан бир неча газ қудуқлари ишга туширилди.

Ушбу юмушларнинг ҳаммаси муस्ताқиллигимиз тўрт
йиллиги байрами арафасида низоҳига етказилди.

Шўртан газ қонларида амалга оширилган тадбирлар
туғайди республикамизнинг улкан энергетика марказла-
ри ҳисобланган Янгингрен, Сирдарё ва Тошкент ГРЭС-
лари қўшимча равишда табиий ёқилғи олиш имконият-
ларига эга бўлилар. Шунингдек, шаҳар ва қишлоқларни
газ билан таъминлаш ҳам яшиланади.

Шўртанда олиб борилган ишлар натижасида мамла-
катимиз санот марказлари, аҳоли истиқомат жойларини
электр қуввати билан узлуксиз таъминлаб туриш мумкин
бўлади.

П. ГАДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Самарқанд вилоятида нефть
маҳсулотларига талаб жуда юқо-
ри. Яқин кунларда вилоятдаги
мажбурий нефть маҳсулотлари тар-
қатиш шохбачаларининг қуввати
билан бу талабни қондиришда ан-
ча-мунча қийинчиликларга дуч
келди. Ана шу салбий ҳолатни
бартараф қилиш мақсадида яқин-
да Пастаргом туманида йирик
«Марокан» нефть маҳсулотлари
базиси ишга туширилди. «Самар-
қандсимёқурилиш» трестининг 793
— қурилиш бошқармаси бунёд эт-
ган. Ушбу нефть базиси бир йўла
13 оғонда нефть маҳсулотларини
қабул қила олиш қувватига эга.
Шуниси яхшики, база ишнинг ҳам-
ма фаслларида бир хил суръатда
ишай олади.

СУРАТДА: Бош муҳандис Х.
Шодиев ва насос станцияси опе-
ратори А. Рабимов.
Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган
сурат.

ДЕҲҚОНЧИЛИКДАГИ ДОЛЗАРЪ ВАЗИФАЛАР

22 август куні Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ хўжалик вазирлигида пахта йиғил-
термағига нусха ҳозирлаш кўриш, ўзи баргини
сифатли тўктириш ҳамда бошқадон экин-
лари экинни ушоққоқлик билан ўпкашиш маса-
ллариға бағишланган кенеш бўлди.

Сим орқали ўтказилган бу мулоқотда Қорақалпо-
вистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, ви-
лоят ва туман ҳокимлари, қишлоқ хўжалик ташки-
лотлари раҳбарлари, тегишли вазирлик, корпорация
ва идораларнинг бошлиқлари қатнашди.

Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Бош вазирин-
инг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков бошқарди.

Кенгаши деҳқонларнинг фидокорона меҳнати бил-
лан баракали ҳосил етиштирилаётгани, уни ёғин-
сочинли кунларга қолдириш Уй вақтида териб олиш
ҳар бир пахтакорнинг муқаддас бурчи экани таъкид-
ланди.

Президентимиз ва республика ҳукумати пахтакор-
лар меҳнатини юксак қадрлаб, уларнинг самарали
ишлаши учун барча зарур шароитни яратиб бермоқ-
да, деди И. Жўрабеков. Вазирлар Маҳкамасининг
қарори билан пахта хомашёси харид нархи оширил-
ди, теримчиларни рағбатлантириш чора-тадбирлари
белгиланди.

Ўтган йили терим машиналаридан унумли фойда-
ланилди, дейиш қийин. Хўжабод, Ёқидовон, Пеш-
ку, Вобкент, Шаҳрихон ҳамда Уйи каби туманларда
машина терими ўлда-жўлда қолди. Хўш, жорий йилда
бу соҳада аҳвол қандай? Афсуски, Сирдарё, Жиззах
ҳамда Сурхондарё вилоятлари учун ўтган йил камчи-
ликлари сабоқ бўлмаганга ўхшайди. Чунки, бу ви-
лоятларда машиналарнинг атиги 30 фоизи соғлаб
қўйилган, холос.

Мўл ҳосил тақдирини кўп жиҳатдан дефолиациянинг
сифатли ўтказилишига боғлиқ. Республикада ўза
баргини тўктиришда ишлатиладиган кимёвий модда-
лар етарли. Бунинг учун техника, пурақич аппарат-
лар ва бошқа воситалардан унумли фойдаланиш ло-
зим.

Кенгаши экиндан бўшаган ерларни шудгорлаб,
кузги галла экишга тайёрлаш кўриш мумкин вазифа
эгани таъкидланди. Сугорилмаган ерларга бошоқли
дон экинни октябр ойининг охиригача, лалми ер-
ларда эса 10 ноябрдан тугаллаш вазифаси қўйилди.

Сим орқали мулоқотда вилоят ҳокимлари бу бора-
даги барча камчиликларга тездан барҳам бериб, те-
рим мавсумини ушоққоқлик билан ўтказиш чора-
тадбирларини кўришларини айтди.

Республикада эскириб қолган терим машина-
лари ҳисобдан чиқарилиди, деди ириворларда И. Жў-
рабеков. Мавсумда пахтазорларга ўнлаб янги маши-
налар чиқарилади. Далаларда ҳозирдаёқ 30-35 фоз
пахта очилди. Вазифа — машина терими мавсуми
бошлангунча қадар ҳосилни қўлда терини кентроқ
ташқил этишдан иборат. Жанубий вилоятларда даст-
лабки «оқ олтин» хирмони уюлди.

Бу йил 1 миллион 300 минг гектар сугорилмаган
ерга дон экилади. Экин мавсумини муваффақиятли
ўтказиш учун сара уруғлик, минерал ва маҳаллий
ўғитдан самарали фойдаланиш, ерни сифатли шуд-
горлаш зарур.

Кенгаши республика Бош вазирининг ўринбосар-
лари Б. Ҳамидов, М. Усмонов, Ў. Исмоилов қатнаш-
ди.

(ЎзА).

МУКОФОТГА — ТРАКТОР!

Меҳнат — ин-
сонни улғайди, де-
ғаллари тўғри экан,
Шодфироқлик Бах-
риддин Йўлдошевни
олди фақатгина
Оқубобоев номи
жамлоқ хўжалигида
таъширди. У бир-
дангина бутун ви-
лоятда машҳур бў-
либ кетди.

Бахриддин ака ҳалол
меҳнат туғайди ана
шундай хурматга сазо-
вор бўлди. Яъни қисқа
муддатда ўзига бирик-
тирилган «Енисей» ру-
сумли комбайн билан
368 гектар майдоннинг
галласини ўриб берди.
Бу Бухоро вилоятида
энг юқори кўрсаткич-
дир. Чунки ҳозиргача
бирор комбайнчи бун-
дай юқори натижага
эришмаган эди.

Механизаторга му-
ваффақияти учун бир
дона гилам ва «ТТЗ-80»
русумли чопиқ тракто-
ри мукофотга берилди.
Вилоятда бугудой ўри-
мида иштирок этган
комбайнларнинг ҳар
бири билан ўртача 120
гектар майдон ҳосили
йиғиштириб олингани
ҳисобга олсак, Бах-
риддин Йўлдошев қан-
чалик тертўқканини ту-
шуниш қийин эмас.
Мукофот муборак, ме-
ханлизатор!
Манон ОТАБОЙ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Муस्ताқиллиқнинг тўрт йиллигига

Биз у ерда бўлагимизда бунёдкорлик ишларининг энг
сўнги боқичи — чироқлар ўрнатилиш ва алоқа кабеллари
ётқизиш низоҳатининг арафасида экан.

— Ўзбекистон ўз муस्ताқил-
лигини эълон қилган кундан
бери маъмур майдонда ўтқа-
зилётган байрам тантанала-
ри нафақат Муस्ताқил Давлат-
лар Ҳамдўстлигида, балки
кўпгина хоржий мамлакат-
ларда ҳам ўзининг кенг қам-
ровли ва теран мазмуну билан
оғизга тушмоқда, — деди
«Ўзэлектронмонтаж» бирлаш-
масига қарашли «Тошвиқ-
МБ» прораби Шамил Низам-
иев. — Шундай экан, бу
майдондаги бадиий безаклар
ҳам, ёритиш асбоблари иши
ҳам юқори савияда таъмин-
ланган бўлиши лозим. Бунга
яқини тушуниб етган ишчи-
хизматчиларимиз чин дилдан
астойдил меҳнат қилдилар ва
20 кунда бажарилиши лозим
бўлган юмушларни бир ҳафта
давомида низоҳатга етказди-
лар. Менимча, бунга жамоа-
мизнинг уч йилдан бундан
борадаги ортирган тажриба
ва маҳоратлари сабаб бўлди.
Кўриб турганингиздек, бу
гал саҳна майдони сезиларли
даражада кенгайтирилган.
Агар узоқдан туриб ушбу саҳ-
на майдонини кузатсангиз, бу
ерда порлаб турган турли ра-
нгдаги чироқлар нури худди

этиш билан бирга ер ва унинг
атрофидаги самовий жи-
мланиннг бир-бирига моддий-
қиссий ўхшашлигини, боғ-
лиқлигини кўрсатишган ва шу
йўл билан бирга инсонлар ор-
зусининг муштарақлигини
таъкидлашга ҳаракат қилин-
ган.
Дўстлик, биродарлик, ти-

ҲАММАСИ БЕТАКРОР БЎЛАДИ



Пойтахтимиз бош майдонда
сўнгги тайёргарлик поёнига
етказилмоқда
(Репортаж)

қиблар, рақслар эса ўзининг
мазмун ва моҳияти билан умум-
инсоний гошларга хизмат қи-
лади. Қувончлики шундаки,
шу кунларда юртимизга хо-
рижий мамлакатлардан меҳ-
монлар келиши кутилмоқда.
Хусусан, Ўзбекистон Прези-
денти Кубог учун бўлиб ўта-
диган халқаро теннис мусо-
бақалари баҳсида иштирок
этиш учун чет эллик теннисчи-
лар, журналистлар, бошқа
расмий ва норасмий меҳмон-
лар келади. Табиийки, улар
ҳам маъмур байрам тантана-
ларидан огоҳ бўлади.

1, 2 сентябрь кунлари Тош-
кент шаҳрининг қарийб 20 га
яқин майдон ва хибобларда
байрам томошалари эрта-
лабки соат 10 дан то кечки
соат 9 га қадар узлуксиз да-
вом этади. Махсус ҳозирлан-
ган жойларда театрлаштирил-
ган саҳна томошалари, китоб
салвоси ва илм-фан ютуқла-
ри кўргазмалари намоиш
этилади. Эртаси кун эса
байрам шодиланари мамла-
катимизда илк марта ўтқази-
лаётган Марказий Осиё ўйин-
ларининг «Пахтакор» стадио-
нидаги тантанали очилиш ма-
росимига боғлиқ кетади.
Хуллас, азим Тошкент шаҳ-
ри чамаси бир ойга қадар
байрам либосида ўзигини на-
моиш этади.

Улар ижро этадиган куй-қў-
лиги Теша Муминов. — Театр-
лаштирилган байрам томо-
шаларида республикамиздаги
танглик бадиий жамоалар
ҳам, вилоятларда ишлаб, ижод
қилаётган истеъдод эгалари
ҳам бирдек иштирок этади.
Улар ижро этадиган куй-қў-

узбек халқи ҳақида ҳикоя қил-
са, бири ушбу халқнинг санъа-
ти, маданияти, ишлаб чиқа-
ришдаги қудрати ва бутунги
кундаги ихтирочилик сало-
ҳиятини намоиш этади.
«Туркистон — умумий уйи-
миз», «Жаҳон халқлари санъа-
ти» каби бўлимларда эса Осиё,
Африка ва Европа халқларин-
инг жозибали санъатидан на-
муналар кўрсати-
лади.

— Истиклол
байрами милли-
тидан қатъий на-
зар республика-
мизда истиқомат
қилаётган, меҳ-
мон бўлиб турган
ҳар бир кишининг
ёшида қолади-
ган даражада
мазмун-этибор-
ли бўлиши керак,
— деди Мадани-
ят ишлари вази-
ри ўринбосари,
Муस्ताқиллик
байрамини ўтқа-
зувчи штаб бош-
лиги Теша Муминов. — Театр-
лаштирилган байрам томо-
шаларида республикамиздаги
танглик бадиий жамоалар
ҳам, вилоятларда ишлаб, ижод
қилаётган истеъдод эгалари
ҳам бирдек иштирок этади.
Улар ижро этадиган куй-қў-

нчлик, барқарорлик шиорла-
ри остида ўтадиган истиқлол
байрамининг бадиий дастури
ҳам ранг-баранглиги билан
низоҳатда ўзига хос. Дастур
бир неча бўлимлардан иборат
бўлиб, уларнинг бири теран
ва изчил тарихга эга бўлган

Уқтам ДҮСТЕР,
«Халқ сўзи» мухбири.

Танловда қатнашгани — Японияга

Япониянинг Сендай шаҳрида ёш созандазларнинг И.
Чайковский номидаги халқаро танловга бошланғич
ҳам сабақчи кўнлар қилди.

Ўзбекистонлик ёш истеъдодлардан бир ғуруҳи ота-оналари ва
устозлари ҳамроҳида ушбу нуфузли танловда иштирок этиш
учун Японияга жўнаб кетди.
Ҳамюртларимиз 27 августда бошланғич, бу кун давом эти-
диган ва уч босқичда ўтказилаётган бу масъулятли синовида пухта
тайёргарлик қурдилар. Уларнинг танлов учун тайёрлаган репер-
туарларидан жаҳон муомтоз мусиқаси ва замонавий ўзбек компо-
зитрлари асарлари ўрин олган.
(ЎзА).

РЕСПУБЛИКА ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта бир- жасида 1995 йил 22 августда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хо- рижий валютада операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган банклар иш- тирок этиди.	1 Австрия шиллинги 3,05	1 Германия маркаси 21,46
Сотув ҳажми 26 млн. 567 минг АҚШ долларини ташкил этди. 1 АҚШ долларини нинг қиймати — 31,70 сўм даражасида қийд этилди.	1 Англия фунт стерлинги 48,84	1 Норвегия кронаси 4,91
Ўзбекистон Республикаси Марказий бан- ки 1995 йил 23 августдан бошлаб ҳисоб, ва божхона тўловлари учун хоржий валюта- ларнинг сўмга нисбатан қийдаги қиймати- ни белгилади.	10 Бельгия франки 10,45	10 Португалия эскудои 2,08
	1 Голландия гульдени 19,16	1 Сингапур доллари 22,27
	10 Греция драхми 1,34	1000 Туркия лираси 0,67
	1 Дания кронаси 5,54	1 Финляндия маркаси 7,29
	1 АҚШ доллари 31,70	4 Франция франки 6,27
	1 Миср фунти 9,34	1 Швейцария франки 4,31
	1 Ирландия фунти 49,99	1 ЭКЮ 25,87
	1 Исландия кронаси 0,48	1 Япония йениси 3,28
	10 Исландия песети 2,52	1000 Россия рубли 7,19
	100 Италия лираси 1,96	1 Эстония кронаси 2,69
	1 Канада доллари 23,35	1000 Украина карбованеци 0,19
	1 Кувейт динари 104,52	1 Латвия лати 56,81
	1 Австралия доллари 23,39	

1 Австрия шиллинги 3,05	1 Германия маркаси 21,46
1 Англия фунт стерлинги 48,84	1 Норвегия кронаси 4,91
10 Бельгия франки 10,45	10 Португалия эскудои 2,08
1 Голландия гульдени 19,16	1 Сингапур доллари 22,27
10 Греция драхми 1,34	1000 Туркия лираси 0,67
1 Дания кронаси 5,54	1 Финляндия маркаси 7,29
1 АҚШ доллари 31,70	4 Франция франки 6,27
1 Миср фунти 9,34	1 Швейцария франки 4,31
1 Ирландия фунти 49,99	1 ЭКЮ 25,87
1 Исландия кронаси 0,48	1 Япония йениси 3,28
10 Исландия песети 2,52	1000 Россия рубли 7,19
100 Италия лираси 1,96	1 Эстония кронаси 2,69
1 Канада доллари 23,35	1000 Украина карбованеци 0,19
1 Кувейт динари 104,52	1 Латвия лати 56,81
1 Австралия доллари 23,39	

1 Литва лити 7,93	1 Кувейт тенгеси 0,57
1 Молдова лейи 6,99	1000 Маврурус рубли 2,78
Маврурус банк 1995 йил 23 августдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси маъсу- лул амаллаштириш пунктларида фойдаланиш учун нақд АҚШ долларининг қуйдаги ти- жорат қийматини белгилади: — Сотиб олиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 31,70 сўм. — Сотиб қиймати: 1 АҚШ доллари — 31,70 сўм. Хоржий валютани сотиш чоғида сўм билан восита ҳақи қилинади. *) — Валюта қийматини белгилаш чоғи- да Ўзбекистон Республикаси Марказий бан- ки маъмур валюталарни ушбу қийматда со- тиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олма-	

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессияси олдидан

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг Олий Кегага, сўнгра Олий Мажлис томонидан мамлакат ҳаётининг қарий барча соҳаларини мувофиқлаштириб туришга мўжизаланган икки юздан ошқ қонун қабул қилинди. Бундай бўлиши табиий бир ҳолатдир. Зеро, ҳуқуқий давлатни қуриш жараёни эски маъмурий-буйруқбозлик тизимидан фақат номинанга урф бўлиб қолган қонунга, қонунчиликка, ҳуқуқ ва ҳуқуқ ажодкорлигига ишбати назар-нисандислик муносабатидан бутунлай ғоз кечилиши лозим эди. Вақт пайсалга солишни ҳеч қандай ҳаётнинг барча бўғимларида катта ва кичик ҳодисаларни баҳолашда одамларнинг психолари айрим мансабдор шахсларнинг ўз лавозимлари доирасида босар-тусарларини билмай муносабат юрштирилари ҳам тушиши табиий зарур.

ми-кўпми большевиктик-коммунистик бонининг деворлари оша олмага назар ташлаб, унда содир бўлаётган воқеалардан воқиф бўла борди. Яъники, халқ ўзга халқлар турмуш тарзида, ҳаётида содир бўлган ижобий ўзгаришларни кузата бошлади. Айниқса, ҳокимият таркибли ринг чўққисига келиб қолган нисбатан ёш раҳбарлар собиқ СССРдаги мазкур турғунликнинг бартафори эшитиш учун ижтимоий ишлаб чиқариши муносабатларини қайта қуриш назарисига мувожаз қилдилар. Жамиятни ошқорликсиз қайта қуриб бўлмади. Бошқача айтганда, кимки биринчи қадамни қўйдими, албатта, иккинчисини ҳам босиши лозим эди.

Жамиятнинг тағзиминида (базисда) содир бўлган ришлар устурма унсурлари-мамлакатимиз, халқимиз бошига анчагина қулдатлар ёлди. Чунончи, москвалик терговчиларнинг гуруҳи собиқ мамлакатда «Ўзбеклар иши» деб жоғеали «жиноят»ни очиллари жараёнида мазкур ҳодиса анада машғум қуришларга эга бўлди. Келгинди кирғийлар қарий ҳар бир ўзбекда порахўр ёхуд пора берувчини қидирдилар. Мазкур дахшати «тажриба» минглаб ўзбек хонадонларига қайту ва изтиро келтирди. Жабрлиқларнинг давлат ҳокимиятлари, уларнинг таркиблари, жумладан, судга мувожаз қилишлари маъносиз эди.

Чиндан ҳам, фуқаро бундай ҳолатда давлат идораларидан қўра ақсарият тартибларига мувожаз қилар эди. Зеро, давлат идоралари фақат мажбурият ва бурчга

ни қабул қилишнинг умумий негизи — Ўзбекистон Республикаси Конституциясидир. Мазкур Конституциянинг бешинчи бўлими — «Давлат ҳокимиятини ташкил этиш» деб аталади. Конституциядан келиб чиқиб давлат хизмати ишини такомиллаштириш зарур. Давлат хизмати ишининг барча вазиятларида ҳам қўнунга қўра фаолият юргизиш асосий тамойил бўлиши даркор.

Ўзбекистон Президенти муҳтарам И. А. Каримов давлат ҳокимияти ҳусусияти тўғрисида шундай дедилар: «Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи халқ бўлиб, давлат халқнинг иродасини ифодалайди, унинг манфаатларига хизмат қилади».

Биз сўнги етмиш йил ичида давлатга қарамлик ва синини ҳолатида яшадик. Мамлакатнинг, ундаги барча бойликларнинг, мулкнинг эгаси давлат, деб ҳисоблана келдик. Ана шу масалада ҳам Конституцияда туб бурилиш ясалган. Яъни «давлат, унинг



ТАШВИШ БИЛДИРАДИ

Эрон Ислам Республикасининг Еревандаги элчихонаси Арманистонда эрон фуқаросининг ўлдирилганидан қаттиқ таъвишда эканини маълум қилди.

Унинг жасади мамлакатнинг жануби-шарқий ҳудудидаги Воротан дарёсидеги дарадан топилган.

Эроннинг Арманистондаги элчиси Хамид Ризо Некор Исфохоний Ереванда бўлган матбуот анжуманида Эрон ва Арманистон чегарасига келиб туташдиган Горис-Мегри автоёўлида кейинги пайтларда бундай нохуш ҳодисалар тез-тез такрорланганини айтди. Шунингдек, у бу йўлни халқро андозаларга жавоб бермаслигини таъкидлади.

ЯДРО ҚУРОЛИ СИНОВИДАН НОРОЗИ

Япония, Янги Зеландия ва Вьетнам ҳукуматлари Хитойда навбатдаги ядро қурилиши синови ўтказилганини қаттиқ қоралади.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабар беришича, Япония ҳукумати норозилик билдириши билан бирга бу ҳол давом этадиган бўлса мамлакатнинг Хитойга қўрсатаётган иқтисодий ёрдами қисқариши мумкинлиги ҳақида баёнот берган.

Матълумотларга қараганда, Хитойнинг Шинжонг-Уйғур вилоятида портлатилган ушбу ядро қурилиши кучи 5,6 балли ер силкинишига, ядро зарари эса 20-80 килотонна тротилага тенг келган.



СУРАТДА: Швейцариядан лавҳа.

УЧРАШИШДАН БОШ ТЎРТДИ

Сараево музоамлари ҳукумати собиқ Югославия муаммолари бўйича халқро конференция қўмитаси ҳамраиса Карл Бильдт билан учрашишдан бош тортди.

Улар К. Бильдт ҳаракатсиз жараёнга воситачилик қилмоқчи, деб сабаб қўрсатмоқдалар.

Улардан олдин Хорватия ҳукумати ҳам К. Бильдт билан учрашишни хоҳламасликларини маълум қилган эди.

«ЗУРОВОНИККА ҚАРШИ МИЛЛИЙ БИТИМ»

Колумбия Президенти Эрнесто Сампернинг зуровонликнинг олдини олиш ҳамда парикозафия ва ушсан жиноятчиликка қарши курашиш учун мамлакатда фишқулодда ҳолат жорий қилини ҳақидаги қарори Колумбиядаги сиёсий доиралар ва кенг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланди.

Касаба уюшмалари, католик черкови ва мамлакатдаги мавжуд сиёсий партиялар биргаликда «Зуровонликка қарши миллий битим»ни имзолдилар.

ТАКЛИФ МАЪҚУЛЛАНДИ

Европа антифишқулодда эво мамлакатлар Ташқи ишлар вазирларининг навбатдан ташқи бўлиб ўтган учрашувида АҚШ Президенти Билл Клинтон ва Россия Президенти Борис Елциннинг собиқ Югославия муаммоларини бартариф қилини ҳусусиядаги таклифи мувожаз қилинди.

Учрашувида Греция Ташқи ишлар вазир Каролос Папулус ушбу давлатлар раҳбарларининг собиқ Югославия муаммосини ҳал қилиш борасидаги таклифларини қўллаб-қувватлади.

ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ҲАМКОРЛИК БЎЙИЧА МАЖЛИС

Шу йилнинг 23-26 август кунлари Москвада ҳарбий-техник ҳамкорлик бўйича Россия-Хиндистон ишчи гуруҳининг мажлиси бўлди.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабар беришича, мажлисда Россия ва Хиндистоннинг 2000 йилгача мўлжалланган ҳарбий-техник ҳамкорлик дастурининг баъжрилиши ва бу борадаги кейинги алоқалар билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

МУЗКАРАЛАРГА ИМҚОН ҚОЛМАДИ...

Шри-Ланка ҳукумати раис «Озолик йўлбарлари» — «Тамил-илам» қурулди гуруҳи раҳбарлари билан музқаралар ўтказиши имқон қолмаганини таъкидлади.

«Гуруҳ раҳбарлари муаммони тинч йўл билан ҳал этиш учун қилган барча таклифларимизни рад қилди. Бу эса бизни уларга қарши тўғридан-тўғри қуроли курашишга мажбур қилмоқда», деди у.

ЖИНОЙИ ЖАВОБГАРЛИККА ТЎРТИШМОҚЧИ

Тожикистон Ички ишлар вазирлиги «Известия» газетасининг махсус мухбири Юрий Снегиревни республиканинг собиқ ички ишлар вазир Ёшубов Саломовга тўғридан қилгани учун жиноий жавобгарликка тортиш ия-тида.

Республика Ички ишлар вазирлигининг биринчи ўринбосари Г. Блингов Душанбеда бўлган матбуот анжуманида Ю. Снегирев томонидан «Известия» газетасининг шу йил 15-16 август сонларида эълон қилинган мақолада Е. Саломовга қарши келтирган ҳамма далиллари уйдирма эканини айтди.

ДАВЛАТ ХИЗМАТИ ТўҒРИСИДА ҚОНУНЛАР МАЖМУИ ДАРКОР

У. ТОҶИХОҒОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси бошлиғи

даги ангиланишларга олиб кела бошлади, яъни давлат идоралари таркиблари ҳам янги-ча қурила бошлади.

Албатта, ҳар қандай янги ҳодиса бир зумда пайдо бўлмайди, ёки у ўзига бирдангина кенг йўлни топа олмайди. Айниқса, мазкур янгилик минглаб маъмурийчи-амалдорлар манфаатларига дахлдор бўлганда шундай ҳолат юз бериши, табиий. Зеро, улар мамлакатнинг ақсарият фуқаролари манфаатларини эмас, балки ўз манқалари тўғрисида кўпроқ қайғурар эдилар.

Мамлакатнинг ақсарият фуқароларидан ажралиб яшашаётган боис амалдорларга ўз унларини ҳаракатчан ва чаққон давлат идораларини таркибларига, янги-ча қуриш таъдидан, лаёқатли ходимларга бўшатиб беришлари керак бўлиб қолди. Янги мутахассислар ўзи касб-малакалари бўйича етарли тажрибага эга бўлмасалар-да, лекин улар жаҳон тажрибасидаги, хорижий маърифий мамлакатлар — АҚШ, Олмония, Англия, Франция, Япония ва бошқаларнинг ижобий иш услубларидан ўрганишга иштиқанд эдилар.

Шундай қилиб, бир вақтлар партия ҳуқуқи ва давлат хизмати мажбурияти негизини да қурилган давлат хизмати ва партия номенклатураси ўз ўрнини хизмат ҳалоллиги мутахассислашувига бўшатилишига тўғри келиб қолди. Авваллари урф бўлган каби КПССда тааллуқлилик давлат ҳолимини олий малакали мутахассис даражасига етказмай қўйди. Башарти илгарилари давлат идораларига ишга қабул қилинадиганлар фақат бир аломатта — партиявийлик, аниқроғи, КПССда мансублик аломатига қўра қабул қилинсалар, энди мазкур тамойил иш бермай қўйди.

Бундан ташқари, касбни пухта эгалламаганлик ҳокимиятнинг коррупциялушуви (жиноятчилар билан қўшилиб кетиши) билан омухта эди. Ҳокимиятнинг коррупциялушуви 80-йилларнинг ўрталарига келиб ўзининг энг юқори нуқтасига етди. Бундан

идоралари ва мансабдор шахслар жамият ҳамда фуқаролар олдида мастулдилар. Собиқ тоталитар давлат широнтида бундай фикрни ҳеч ким ҳаёлига ҳам келтира олмасди. Эндиликда инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас саналиб, улар давлат томонидан қафолатланади.

Юқорда зикр этилган чўқ қоидалар назаримизда, давлат аппарати фаолиятини ҳуқуқий мезонлаштиришга ёрдам берилган давлат хизмати тўғрисидаги янги қонунлар мажмуини қабул қилиши мавриди келганлигига ишоратидир. Қабул қилинадиган қонунлар тизими таркибидан Давлат хизмати тўғрисидаги қонун, Мансабдор шахсларнинг ахлоқ кодекси, шунингдек, давлат аппарати ходимларининг муайян фаолият доираларига оид ахлоқ кодекслари кириши лозим. Мазкур кодексларда асосий эътибор «Фуқаро — давлат хизматчиси» муносабатларини мезонлаштиришга қаратилиши зарур бўлади. Афтидан, мазкур йўналишда амалга ошириладиган ишлар сирасига миллия ҳолимининг ҳокимият вақили сифатидаги ахлоқ кодексини тайёрлаш ҳам тааллуқлидир.

Мазкур қонунлар давлат аппарати ходимлари — судлар, прокурорлар, ички ишлар ходимларининг жамоатчилик билан яқиндан алоқа ўрнатишлари, ушбу алоқдорликда устувор аҳамият фуқаролар манфаатларига берилиб, улар давлат аппарати фаолиятини назорат қилиш имқонига ҳам эга бўлар эдилар. Бизнингча, фуқаролар томонидан назорат фақат бевоқиф бўлиб, балки парламент, Олий Мажлис, фуқароларнинг ўзлари сайлаган элчилари — ноиллар, вақил қилинганлар фаолияти — давлат хизматчиси томонидан мезонлаштирадиган қонунлар, норматив ҳужжатлар қабул қилини билан амалга ошириши мумкин. Бу билан давлат хизматчилари ишининг ошқоралиги таъминлинигина

Агар 30 ёшдан ошган бўлсангиз, онда сизга 30+ қувватдориси даркор!!!

«Тридцать Плюс» кичик капсуласи ёрдамида сиз оғир иш кундан кейин ҳам осмонўпар бонининг сўнги қаватиғача югуриб чиқишга қодир бўласиз.

«Тридцать Плюс» нафақат чарқоқни тарқатади, балки Сиз сарфлаган қувватни тиклайди - у танангизнинг ҳар бир тўқмасига куч ва элчиликни қайтариб, Сизни яшартиради.

Ҳар бир қилини масаласи бўйича қўйиладиган маълумот мувожаз қилини:
 * АДЖАНТА ФАРМА ЛИМИТЕД ОИМАСИ
 Тошкент, 700606,
 Мотаронмак кўчаси, 19-уй.
 Телефон: (772) 32-01-88, 33-48-70
 Телефон: (772) 11-86-71.
 Ёш Тўқмасидаги соғуноқ ҳамкорлари:
 «Ино-Сано» фармасияси: (772) 44-24-34, 40-44-83
 «Фарма» фармасияси: (772) 47-94-90

«Тридцать Плюс» - ёшлик ва соғломлик дамлақидир.

Ташкилот қуйидагиларни сотади:
60 Вт, 100 Вт, ДРЛ-125, 250, 400
чўлганма лампалар, ЛБ-22, 30, 40
лампалари, Минск-215 совутиғичи,
турли шаклдаги ёритғичлар,
зирхланган сантехника
шланглари, консервалаш учун
қопқоқлар, ҳар хил нарсалар
пишириш учун қолиплар, Д-15 газ
жўмрақлари, бир ва икки
рождоқли горелкалар,
подшибниклар.

Телефонлар:
68-69-62, 68-69-63.

Ўзбекистон Республикаси Бухгалтер ва аудиторлар ассоцияси

Лицензияли аудиторлар тайёрлаш бўйича навбатчи гуруҳларнинг биринчи машғулотини 1995 йил 12 сентябрда бошланганини маълум қилади.

- Вилоят гуруҳи (ўқитиш муддати - 1 ой ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда).
- Шаҳар гуруҳи (ўқитиш муддати - 3 ой ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда).

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 10.06.93 йил № 42 хатига мувофиқ Молия вазирлиги тасдиқлаган дастур бўйича фақат Бухгалтерлар ва аудиторлар ассоциясига лицензияли аудиторлар тайёрлаш ҳуқуқи берилган.

Доимий курсларга қабул давом этапти:

- боловоғич бухгалтерлар - 2 ой;
- бухгалтерлар малакасини ошириш - 2,5 ой;
- қўшма, хорижий, кичик қорхоналарда ишлаш учун молия директорлари - 6 ой.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилда қабул қилинади:
 Тошкент, Нийсбек йўли, 6.
 Тел.: 34-01-87, 35-72-51.

Табиат ҳам Она!



Қарши шаҳри яқинидаги ўзига тўқ ва фаровон қишлоқларнинг бирида шовоқи Муҳайё исми шаоартабиат қизини дунёдан энг кўп исгани — меҳр-шафқат. У асли

олам силсиласи худди шу тамойил асосида қурилган деб, ҳисоблайди ва унингча, бунга шак келтириш Яратганининг иродасига қарши боришдир.

92 минг гектар бўлган Деҳқонобод ов ҳўжалигида 1993 йил 17-18 минг какик санашган экан. Бу йил 7,5 минг қолибди. Шунингдек, худди шу ҳудудда икки йилда кўн, тулки, тўнги 4-3 марта, бўри, бўриқ, 10-12 марта, жайра 20-25 марта камайиб кетибди. Қалқам, Санқиди ов ҳўжаликларида ҳам аҳоли бундан яхши эмас экан. Айниқса, ёввойи гоз ва ўрдақларга қирон келганга ўхшайди. Тўқайлар, қамшўрларнинг кўрки бўлган бу қанотли гузалликларга кўзларимиз тобора ташна бўлиб қолапти. «Дайди овчиларнинг кўлиб кетганини, ёввойи ҳайвонлар яшайдиган масканларнинг ўзлаштирилиши, мол боқилиши шундай аянгли аҳолга олиб келмоқда. Бадиқлар яшайдиган, жониворлар сувланадиган дарё, қўлларга оқавалар, қимёвий оғур ташланган. Боз устига ёввойи ҳайвон турларини кўпайтириш ишлари ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган», — дейди Муҳайё ҳисобот қилинган давлатнинг ўқиб қолган қалин дафтарни ўйчан арақлаб. У шу ўтиришда мислсиз офатга қарши яққа ўзи курашга аҳд қилган сехрларга ўхшайди: табиат дарди унинг қалб тўғенларига қўшилиб, уйғунлашиб кетибди.

Жумладан, Қашқадарь вилоятидаги Ҳисор қўрғоннаси Марказий Осиёда энг йирик. Унинг худди 87 минг гектарни ташкил этади. Ҳисоб-китобларга қараганда, бу ерда 600 хил ўт-қўнлик ўсди. Ҳайвонот олами ҳам бой! 30 хил сўт эмизувчилар, 180 хил қўшлар, судралиб юрғунчилар-у, бир неча хил балқитурлар мавжуд. Бу масканда «Қизил китоб»га киритилган қор қолони, қўнғир айиқ, бургут, қоралайлак, захарли йлонлар, Туркистон силвосини ва бўриқ кўпайтирилмоқда. Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси назоратчилари қўшлар ва ҳайвонлар сонини йилма-йил ҳисоблаб боришапти. Аҳоли эса ноҳуш: йўқитилар салмоғи тобора ортиб борапти.

БЕЛЛАШУВЛАР МУРОСАСИЗ ТУС ОЛАЯПТИ

Мамлакат чемпионатидаги босқич ўйинларини кўзатган киши жамоаларнинг имкониятлари ва мавсумни қандай аяқлаш ниятлари тобора аниқлашиб қолганини сезиб олиши қийин эмас. Набатдаги тўр ўйинларидо ҳам деярли кутилмаган натижалар қайд қиланмади.

Аллақачон мухлислар ишюнчини қозонган командалар ҳоқ ўз майдонларида бўлсин, ҳоқ сафарда имкониятларини яна бир марта намойиш қилдилар. Бу турнинг ўзига хос жиҳатларидан бири яна шу бўлдики, биронта ўйинда ҳам очколар баҳам кўрилмади: учрашувларда дурант натижа қайд қилинмади. Аксинча, бу босқич энг сермаҳсул бўлиб, дарвозаларга 40 тўп киритилди. Тўпурлардан Шаққи («Навбахор») 3 марта, Мақсулов («Пахтакор»), Усмонов («МХСК») ва Винников («Навбахор») 2 мартадан рақиб дарвозасини нишонга олдилар. 4 ўйинда рақиблар, қолган 4 учрашувда эса меҳмонлар галаба қозондилар. Тўпур нисбати ҳам 20:20 Хуллас, футбол бўйича мамлакат чемпионатидаги 19-тур ўйинлари кўп жиҳатлар билан эсла қоляри бўлди. Пойтахтнинг «Трактор» ва МХСК жамоалари майдонга тушганда уларнинг олдида қўйган мақсади турли хил эди. Агар тракторчилар сўнгги имкониятларини ишга солиб олий лигада мўқим ўрнашиб қолишни мақсад қилган бўлсалар, армиячилар эса мамлакат чемпионатининг совринли ўринларидан бирига астойдил даъвогарлик қилишарди. Ҳар ҳолда ҳарбийларнинг ниёти қатъий эканлиги дастлабки дақиқалардан оқиб келибди. Ўйин уларнинг шиддатли ҳужуми билан бошланди. Ҳаёт етти минута Кўрбононинг 11 метрлик белгидан жарима тўпини кирита олмаганини ҳам жамоанинг қайфияти таъсир қилмади. Ўйин меҳмонларнинг тўла устунига ўтди ва 6:2 ҳисобида МХСК фойдасига ҳал бўлди. Карвоннинг 2-босқичида бораётган Намангоннинг «Навбахор» командаси сафарда ҳам чиройли ўйин кўрсатиб, термизлик армиячиларни 5:2 ҳисобида мағлубиятга учратди. «Янгиер» — «Нефтчи» учрашувидо ишқибозлар мўъжиза рўй беришини кутган эдилар. Негаки, ўтган сафар сирдарёликлар Бухорода қарвонбошилардан бири — «Нурафшон» командасини доғда қолдириб мухлисларини хурсанд этишганди. Лекин улар сарбон билан беллашишга жиддий тайёргарлик қўришмаганга ўхшайди. Бу дастлабки дақиқалардан оқиб келибди. «Нефтчи» ўйинчиси Федоров 5-минутлаёқ ҳисобни очди. Завальное уни 2:0 етказди. Фақат ўйин тугашига санокчи минутлар қолганда Орипов ягона жавоб тўпи киритди. Ўйиндан-ўйинга мухлисларини хурсанд қилётган «Пахтакор» бу турда «Темпирўйчи»ни 5:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Бухоронинг «Нурафшон» командаси бу сафар ҳам майдондан бошини эгиб чиқиб кетди. Улар Англистонда маҳаллий «Наврў» командасига 4:1 ҳисобида ўйинни бой беришди. Қолган ўйинларнинг натижаси қуйилганча бўлди: «Чирчиқ» — «Динамо» — 1:2, «Атласчи» — «Мағшал» — 3:2, «Политотдел» — «Сўғдиёна» — 2:1. Халқ Сўзидан.

МУҲАЙЁНИНГ КАКЛИКЛАРИ

Кейинги пайларда табиат ва инсон мувозанатини барқарорлаштириш мақсадида қўрғонхо ва миллий боғлар ташкил этила бошланди. Аммо бу жойларда чинакамга иш бошланган йўқ. Энг даҳшатлини шунки, «табиат қўнжуқлари» қиёфасида юрган бача сохта ўрмончиларнинг ўзи браконьерлик билан шугуллангани. «Қаранг-а, қўйини бўрига топириш, «ишляпман», деб керишляди», — дейди Муҳайё фиғони ошиб.

Халқимизда тоғ Муҳаммаднинг олдида келмади, Муҳаммад тоғнинг олдида келмади, деган ибратли макол бор. Яъни завод меҳнатчилари, мутахассислари ўз вазифаларини маҳсулот тайёрлаб, уни омиборга топиришдангина, иборат, деб билишмаяпти. Ҳозирги қийин шароитда турли-туман даромад манбаларини ҳам излашмоқда. Хусусан бу ерда буюртма асосида маҳсулот тайёрлаб йўлга қўйилган. Яъни бирор қорхона, муассаса ёки ташкилот ўз офиси, маданият масканлари ва бошқа жойларини, ҳона, зални бино архитектура-сига мослаб беэмоқчи дейлик. Бунинг учун чиройли ва нафис кандиллар зарур бўлиб қолиши мумкин. Ана шунда «Миконд» заводда мутахассисларга мурожаат қилсалар бас. Улар келиб, харидор талабига кўра маҳсул буюртма асосида бетакор қандиллар ясаб беришлари мумкин. Заводнинг қўли гул устала-ри ясаган бундай бебаҳо қандиллар қанчадан-қанча мухташам саройлар, офислар, заллар, хоналарга кўрк бериб турибди.

Ғунча дуавагидаги шабнамни кўриб, жами набонат ва ҳаёт ҳайвонот дунёси гам-андуддан ҳоли эмаслигини ҳис этиган кўз «Меҳр-шафқат» — боқиралиқнинг онасилик деган эътиқод билан яшайди. Шунданми, унга ўн саккиз ёшда — ҳаёт жами севиғи шарабига тўлган паллада не бир илтиҳ билан қўлин сураган йилити ачиниб, ҳамдардлик изҳор этгандек: — Ўзимни шунча авайлаб юриб-а, — деб жавоб берибди. Бу асли «менга шафқат қилинг» дегани эди. Дунёда яралгандан истиҳола қиладиган бу нозик ниҳод парк буюдуглар оғушида ўди, борлиққа муносабатини асло ўзгартирмай яшайди. Унинг завқи, овунчи ва келажаги ўша битта қалима эди. Шунданми, ҳозир ҳам унга турмушдан сўз очсалар, ўша ҳолатга тушади, бунга журбат этган одамдан ранжигандек бўлади ва бир тўйиниб, қўларини сузганча такрорлайди: — Ўзимни шунча авайлаб юриб-а... Шу кўз вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига йўриқ бўлиб ишга ўтди-да, фелъ-атори ўзгара бошлади. Дастлаб, нима бўлса-да, бўшаб кетиш пайига тушиб қолди. Рухсат бе-

Даромадга барака киради

Айни пайтда Ўзбекистонда юксак тараққиётни таъминлаш учун тўб иқтисодий ислохотлар ўтказилмоқда. Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, ҳеч бир давлат ўзича бой-бадавлат бўлиб қолмайди. Бунинг учун иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, жаҳон талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш керак. Яъни бундан буюн хомашё, эҳтиёт қисм эмас, фақат тайёр маҳсулот билан жаҳон бозорига чиқиш лозим. Бунинг ўзи бўлмайди. Аввало янги, замонавий, унумли техника ва технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш талаб этилади. Қолаверса, малакали кадрлар тараққиётни таъминлашга мўқим омили ҳисобланади. Буларнинг ҳаммасига ҳорижий шериклар билан ўзаро мафзаатли ҳамкорлик

Хизматингизга мунтазирмиз

Халқимизда тоғ Муҳаммаднинг олдида келмади, Муҳаммад тоғнинг олдида келмади, деган ибратли макол бор. Яъни завод меҳнатчилари, мутахассислари ўз вазифаларини маҳсулот тайёрлаб, уни омиборга топиришдангина, иборат, деб билишмаяпти. Ҳозирги қийин шароитда турли-туман даромад манбаларини ҳам излашмоқда. Хусусан бу ерда буюртма асосида маҳсулот тайёрлаб йўлга қўйилган. Яъни бирор қорхона, муассаса ёки ташкилот ўз офиси, маданият масканлари ва бошқа жойларини, ҳона, зални бино архитектура-сига мослаб беэмоқчи дейлик. Бунинг учун чиройли ва нафис кандиллар зарур бўлиб қолиши мумкин. Ана шунда «Миконд» заводда мутахассисларга мурожаат қилсалар бас. Улар келиб, харидор талабига кўра маҳсул буюртма асосида бетакор қандиллар ясаб беришлари мумкин. Заводнинг қўли гул устала-ри ясаган бундай бебаҳо қандиллар қанчадан-қанча мухташам саройлар, офислар, заллар, хоналарга кўрк бериб турибди.



Бизда эса ичимлик сувини исроф қилиш одат тусига кириб қолган. Уларни иситиш учун иссиқ сувни оқизиб қўйиш ҳоқларини кўп учратиш мумкин. Шунингдек ичимлик суви далагарга, боғлардаги экинларни сўғоришга ишлатилмоқда. Айни ҳолларда бекордан бекорга оқиб ёттибди. Лекин бунинг учун ҳеч ким ўзини айбдор деб ҳисобламайди. Чунки зарарни чўнтағидан тўламайди-да! Завод маъмурияти Белоруссиядаги «Интергатор» ишлаб чиқариш бирлшмаси билан тузган шартномага мувофиқ иссиқ ва совуқ сув сарфини ҳисоблайдиган сўчетчилар ишлаб чиқарадиган бўлди. Унинг намуналари республика коммунал хўжалиги тармоқларида синаб қўрилиб қокори боқолган. Бу сўчетчилар обихаётдан фойдаланиш самарадорлигини хал қўлиб-гина қолмай, қўп жойларда юз бераётган сув танқислигини бартараф этишга ҳам катта ёрдам бериши шўбҳасиз.

ЯХШИ МУТАХАССИС ДОИМ КАРАК

Юқорида айтиб ўтилганидек, ҳозир электрон техника воситаларини ишлаб чиқарадиган нобэв асбоб-уқуналар консервация қилинган ҳолда турибди. Аммо мустанқил Ўзбекистон учун келажакда электрон техника воситалари ҳам керак бўлади. Уларни ишлаб чиқарадиган уқуналарни бошқарадиган малакали мутахассислар келгусида топилай қолиши мумкин. Шунинг назарда тутиб, заводда нобэв қасб эгалари бўлган мутахассисларнинг келиб қолмасликлари учун барча ишлар қилинмоқда. Улардан вақтинча бошқа ишларда фойдаланилса-да асосий мутахассисликлар бўйича исталган вақтда ишлаб кета олишлари учун шароит яратилган. Бу ерда ишчиларнинг ўртача ойлик маоши ишчи хизматчиларни қониктирадиган даражада. Болалар боқалари, профилкторий, дам олиш уйлари бор. Завод қошидаги поликлиника шифокорлари ишчи ва хизматчиларга беминнат ёрдам кўрсатапти. Аптека, турли дўконлар ишидан одамлар мамун. Хуллас, заводда баракали меҳнат қилиб, мириқиб дам олиш, турли қўлайликлардан баҳраманд бўлиш учун барча шароитлар муҳайё қилинган. Қаримжон РИХСИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.



«ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ»

Шу йил 26 августдан 3 сентябргача Тошкентдаги «Юнусобод» спорт комплексидо Ўзбекистон Президенти Кубогини теннисчиларнинг Халқаро турнири ўтказилади. Унда жаҳондаги энг қучли теннисчилар иштирок этишади.

ЖУРНАЛИСТЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Президент Кубогини» Халқаро теннис турнирига акредитация учун аризалар 24 августгача қабул қилинади (2х3 ҳажмдаги 2 та иложи бўлса, рангли фото зарур). Мурожаат учун манзил: «Халқ сўзи» газетаси. Тел.: 33-15-22.

«Узавоттрансэлектрон» концерни ҳодимлари «Узавоттрансэлектрон» республика концерни бошқаруви раис Абдурахмон Абдувалиевга падари бузуқворни Абдулхай АБДУВАЛИЕВНИНГ вафот этганини муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдиради. Республика 1-клиника шифохонаси жамоаси, бош шифокор муовини Эшонқул СУЛТОНОВНИНГ бевақт вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош уруғларига чўқур ҳамдардлик изҳор этади.

Қўллари дард кўрмасин

Тошкентдаги «Миконд» заводи деганда кўз ўнгимизда камаладек товланувчи биллур қандиллар, дастурхонимизда ял-ял ёниб қўларимизни яшнатадиган, иштахаларимизни қитқилаб, хуш қайфият ўйғотадиган бири-бирдан бежирим шафқат идишлар намоен бўлади. Бундай гўзалликдан ким баҳраманд бўлишни хохламайди, дейсиз. Шунинг учун ҳам завод мутахассислари, ишчиларнинг қалб кўри, иждоий меҳнати билан бунёдга келётган ўзбек биллурини нафақат мамлакатимиз аҳолиси балки хорижийликлар ҳам сўйиб харид қилишмоқда, унинг гўзаллигига мафтун бўлиб, қўлингиз дард кўрмасин, дейишмоқда.

ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

Собик иттифок даврида заводимиз ўшбу қорхона мамлакат санюатининг йирик заводларидан бири эди. Бу ерда асосан, электрон-техника маҳсулотлари ишлаб чиқариларди. 1971 йилдан бошлаб халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Дастлаб Марказий Осиёда биринчи бўлиб биллур идишлар, 1990 йилдан бошлаб эса хар хил турдаги маийий осма чироқлар ва қандиллар ҳам тайёрлана бошланди.

Лекин улар дастлабки йиллари завод ишлаб чиқараётган асосий маҳсулотнинг атиги 5-10 фоизини ташкил қиларди, ҳолос. Аҳолининг ортиб бораётган талабини қондириш мақсадида биллур идишлар ва қандиллар ҳамма кўпайди. Иттифок парчаланиб кетган, Россиядаги ва бошқа Хамдўстлик мамлакатларидаги қорхоналарда конверция жараёни бошланди. Энди уларнинг ўзлари асосий ишлари қолиб, иккинчи даражали ишлар билан шугуллана бошладилар. Бундай шароитда электрон-техника асбобларига талаб насайиб кетди. Бизда эса, завод мутахассислари, ишчилари кенг изланишни бошлаб юбордилар. Бу ҳозирги шароитда асосий иқтисоси ўрнига ёрдамчи ишлаб чиқаришни ривожлантиришни тақозо этади. Лекин иккинчи осон кўчишига ишонин қийин. Ахир қанчадан-қанча нобэв уқуналарни вақтинча консервация қилиш, ишлатиш мумкин бўлганлардан унумли фойдаланиш, қийин шароитда харидорнинг моллар ишлаб чиқаришини ўзи бўладими? Жамоа меҳнат аҳли бунин яхши тушунишарди. Лекин илож қанча. Қўл қовуштириб

Ўзингдан чиққанга не етсин

Қўлдан берганга қўш тўймас, деганларидек, ҳозирги пайтда бошқа жойдан зарур молни келтиришининг ўзи амри маҳол. Минг машаққат билан келтирилган нарса эса айрим пайтда тайёр маҳсулот қийматидан ҳам ошиб кетиши мумкин. Шунинг учун ҳам бу ерда барча зарур нарсаларни завод цехларида тайёрлаймиз, шiori ўрта ташланди ва бунга эришилади.

Ҳозир заводда ишча тайёрлашдан тортиб, темирга ишлов беришга-ча, никеллашдан тортиб, бронза, олтин ранг беришигача бўлган барча жараёнлар бевосита бир жойда бажарилмоқда. Шунинг учун ҳам таъминотда узилиш йўқ. Барча цех ва участкаларда ўрнатилган уқуналарни юксак унум билан ишлатишга тўла имконият яратилган. Хомашё ва бутловчи қисмлар ўз вақтида керакли миқдорда етказиб бериляпти. У йўқ, бу йўқ деб бекор туриб қолиш йўқ. Шу сабабли ишлаб чиқариш ҳажми тобора ўсиб бормоқда. Ҳозирга келиб, заводда халқ истеъмолчи моллари ялли ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг кўп қисмини ташкил этмоқда. — Ҳозирги бозор иқтисодига ўтиш шароитида фақат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўстириш камлик қилади, — дейди бош директор ринбосари Ўткир Иброҳимов. — Чўнки ишлаб чиқарилган маҳсулот кўп бўлса-ю, харидорнинг бўлмаса ундан фойда ўрнига зарар кўриши мумкин. Ҳозир одамларнинг диди ўсиб кетган. Сифатли мол билан сифатсизини дарров ажратиб олади. Шунинг учун биз сифатга алоҳида эътибор бериляпти. Бундан ташқари чиқарилаётган маҳсулотлар турини тез-тез янгилаб туриши, яъни



Хонадонларимиз кўрки бўлибгина қолмай, хорижликлар диққатини ҳам тортмоқда

ни йўлга қўйиш орқали эришилади. «Миконд» заводига ҳам бу борада катта тадбирлар белгиланган. Уларни амалга ошириш бошлаб юборилди. Хусусан, Германиянинг «ОЕРАМ» фирмаси билан ломини йўлга қўйиш орқали эришилади. «Миконд» заводига ҳам бу борада катта тадбирлар белгиланган. Уларни амалга ошириш бошлаб юборилди. Хусусан, Германиянинг «ОЕРАМ» фирмаси билан ломини йўлга қўйиш орқали эришилади. «Миконд» заводига ҳам бу борада катта тадбирлар белгиланган. Уларни амалга ошириш бошлаб юборилди. Хусусан, Германиянинг «ОЕРАМ» фирмаси билан ломини йўлга қўйиш орқали эришилади. «Миконд» заводига ҳам бу борада катта тадбирлар белгиланган. Уларни амалга ошириш бошлаб юборилди. Хусусан, Германиянинг «ОЕРАМ» фирмаси билан ломини йўлга қўйиш орқали эришилади. «Миконд» заводига ҳам бу борада катта тадбирлар белгиланган. Уларни амалга ошириш бошлаб юборилди. Хусусан, Германиянинг «ОЕРАМ» фирмаси билан ломини йўлга қўйиш орқали эришилади. «Миконд» заводига ҳам бу борада катта тадбирлар белгиланган. Уларни амалга ошириш бошлаб юборилди. Хусусан, Германиянинг «ОЕРАМ» фирмаси билан ломини йўлга қўйиш орқали эришилади.

Халқ сўзи Народное слово. Мўассислар: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси. Бош муҳаррир: Анвар Жўрабоев. Бўлимлар: Парламент 33-57-34; Хатлар 33-07-48; Қишлоқ хўжалиги 36-07-94; Иқтисодий 36-36-65; Мағнавият 36-35-60; Аҳборот 36-29-89; Тўнги муҳарририят 33-10-28. Манзил: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй. Навбатчи муҳаррир — К. Рихсиев. Навбатчи — О. Турақулов.